

НУРОТА НАҚШЛАРИНИНГ ТАРИХИ ВА РАМЗИЙ МАЪНОСИНИНГ ТАҲЛИЛИ.

кат.ўқит. Н.М.Мирфаязова, ф.ф.н.,
профессор У.С.Рахматуллаева

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ушбу мақолада: *Нурота нақшларининг тарихи ўрганилган ва уларнинг рамзий маъноси таҳлили олиб борилган. Шунингдек, ўзбек миллий нақшларининг замонавий мода ва костюм дизайнида ўрни ҳамда аҳамияти кўриб чиқилган.*

В данной статье: *изучена история Нуратинской вышивки и проанализирована ее символическое значение. А также, рассмотрены роль и значение узбекской национальной вышивки в современной моде и в дизайне костюма.*

This article: *studies the official meaning and the history of the ornaments made by Nurota. Also the article presents how these ornaments are implemented, and their importance in the modern design of Uzbek clothes.*

Инсоният яралиши билан юзага келган нақш ҳаётни эмоционал ва эстетик жиҳатдан бойитиб, маиший жиҳозлар, матолар, заргарлик буюмлари ва китобларни тимсолий структурасини ташкил этади. Нақш рамзини ўрганиш - тасвирий санъатнинг алоҳида бўлими бўлиб, буюм ва либосларни бадиий қиёфасини безовчи ва шакллантурувчи дизайн мутахассислари учун кераклидир. Дизайнер либосни яратишда бадиий безак бериш учун лойиҳадаги нақшларнинг рамзий маъносини ўрганиши зарур. Ҳар бир белгининг рамзий маъносини англамасдан туриб либосларда қўллаш мумкин эмас. Масалан, Тошкент дўпписидаги нақшни либосда қўллаш тавсия этилмайди. Одам тасвирини ҳам либосларга кўчириш мумкин эмас, шунингдек юқорида таъкидланган араб каллиграфиясини геометрик нақшини ҳам либосларни безашда тавсия этилмайди.

Либосларни бадиий безашда нақшларни ўрганишнинг яна бир нозик томони уларнинг либосдаги композицион жойлашувидир. Лойиҳа эскизларида нақшларни жойлашувини майда деталларигача таҳлил қилиниши зарур. Геометрик нақшлар инсон қоматини анатомик қайтариши уни бачкана бўлиб кўринишига олиб келади. Шундай экан, ҳар бир дизайнер нақш ва белгиларнинг рамзий маъносини ўрганган ҳолда кийимга кўчириши ёки либосларни бадиий безашда фойдаланиши мумкин.

Маълумки, ўзбек анъанавий либосларида мавсумий, ёш, жинс, табақадан келиб чиққан ҳолда матолардаги ранглар уйғунлиги, улардаги рамзий хусусиятларни кўриш мумкин.

XIX асрнинг охирида Нуротада каштадўзликнинг ўзига хос услуби пайдо бўлди, унда оқ фонда кашталанаётган гуллар Нурота найзасининг ўзига хос хусусиятини акс эттирган. Кўпинча гул нақшлари қушларнинг фон тасвири, шунингдек, ҳайвон ва одамларнинг услубланган тасвири билан ҳамроҳ бўлди. Энг кенг тарқалган расм – ўрта саккиз бурчакли юлдуз ва бурчакдаги тўртта катта новдадир. Декоратив композициянинг яна бир тури- “Тоба-дони” га ўхшаш ингичка олмос шаклидаги япроқлардир. Бу каштадўзлик нақшлари - гуллар, розетлар, қушлар ва ҳайвонларнинг гулчанбар суратлари билан тўлдирилгандир. Мисол тариқасида Нурота каштасининг бир неча кўринишларининг рамзий маънолари ўрганилди ва таҳлили келтирилди. Жумладан, *Турунж-ушбу* нақшда ёруғлик манбаи ва ҳаётийлик рамзини англатувчи элементлар қўлланилган. Шунингдек, ушбу нақш Каъба аналоги бўлиб, мусулмонлар учун марказ, яъни саждагоҳ вазифасини ҳам бажарган. *Турунж* нақши- Яратганга бўлган ишончнинг эквиволент тасвири ҳамдир.

Чинда – *хиол запонча*. Услубланган чиннигул. Мураккаб гул ўрами кўринишидадир. Ушбу нақш исломий тушунчанинг гўзаллигини англатади. Гуллар характерли бўлиб, “коса-гул” йирикроқ гуллар, “коса-чинни”- катта бўлмаган гуллар, “Пиёла-гул”- кичик гуллардан фойдаланилади.

“*Шох-шох*” нақшида ирис – гули ва бошқа гуллар тасвирланган гулдастадан фойдаланилган. Тасвирда рангларни онгли равишда алмашилиши ёки онгли равишда тугалланмаган фрагментлар билан қолдирилиши ҳам мумкин. Шунингдек, ушбу композиция “Яратган Аллох мукамалдир, адашмоқ бандасига хосдир” эканлигини англатади.

Эгарланган от тасвири оловнинг (қафас) таркиби билан эгарнинг остидаги отнинг кўриниши – уйдаги бойликнинг тасвири маъносида тушунилади. У майдоннинг четида жойлашган ва дархол кўзга ташланмайдиган қисмида жойлашади.

Чор-чироғ. Ушбу композицияда тасвир-оловга бағишланган чироқ тасвирдан фойдаланилган. Учлари Дунёнинг тўрт томонини англантиб, тўрт томонга қаратилган. Шунингдек, эндигина турмуш қурганларни асровчи маъносида ҳам кенг қўлланилган.



1-расм. Бодом.Анор.

Ёввойи тоғ бодоми ёвуз рухларни йўқ қилиш, ёмонликларни кўздан йироқ қилиш ниятини англатади. Қалампир ва бодом семантикада жуда ўхшаш матив. Қалампир ёвуз рухларни қўрқитиш каби, таъмга ачиниш туфайли машхур рамзларга айланган.(Расм-1).

Анор - рамзий жиҳатдан кенг маънога эга нақш ҳисобланади. Анор одатда профил бўлимида тасвирланади, ҳосилдорлик (кўп фарзандлилиқ)нинг асосий ифодаси. Шунингдек, дарс кетган анор юзаси тасвирлари ҳам жуда машхурдир. Эҳтимол меваларидаги хужайраларнинг мембраналарини англатиши ҳам мумкин.

Дизайнерлар либос тўпламини лойиҳалашда ижод манбасини танлаб, битта концепцияга бирлаштиришлари талаб этилади. Ижод манбаи сифатида Ўзбекистоннинг бой амалий санъати дурдоналаридан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Амалий безак санъати асарлари даврнинг моддий маданияти, одамларнинг турмуш тарзи, миллий этник хусусиятлари, ижтимоий иқтисодий ва синфий фарқлари билан узвий боғлиқ холда мавжуд бўлган. Улар инсон яшайдиган бадиий сиёсий муҳитни ташкил этиб инсонларнинг руҳиятига таъсир этади, уларнинг борлиққа бўлган муносабатини билдиради. Амалий санъат буюмлари инсон яшайдиган муҳитни бадиийлаштириб, меъморий-фазовий кенгликни ташкил этади ва бу муҳит ўз навбатида инсонни ҳам ўз домига тортиб яхлит бадиий образ яратади. Ундаги буюмлар шу муҳитда идрок этилиб давр мазмунини англатади, ҳис этишга кўмаклашади. Амалий санъат асарларининг ғоявий бадиий ечимини давр билан, инсон ақл заковатининг кучи билан белгиланади. Амалий санъат асарлари фақат амалий аҳамиятга эга бўлиб қолмай, улар инсоннинг маънавий оламининг ажралмас қисми ҳисобланади. Амалий-безак санъати кишилар турмушида шунчалик кенг қўлланиладики, уларсиз турмушни тасаввур этиш қийин. Шундай экан шубҳасиз, амалий санъат дизайнерлар учун битмас туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Маҳкамова. "Узбекские абровые ткани. –Ташкент: Государственное издательство художественной литературы Узбекистан, 1963 г.
2. Немцева Н.Б. К истории тканей и одежды населения Средней Азии XV в.//Из истории искусства великого города. Ташкент, 1972.
3. Турсунлиев К. Все цвета радуги (Тюбитейки и головные уборы узбеков XIX- XX вв.). – Ташкент: Фан, 1991. – 112 с.